Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 1998 йил, 20 ноябрь, № 46 (189) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Р.Р. Юнусовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни бошқарувининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Расулович Юнусов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни бошқарувининг раиси этиб тайинлансин ва шу сабабдан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

А.Н. Исаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Анатолий Нигматович Исаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 ноябрь.

Муносабат

АДОЛАТ ҲАҚ ТАОЛО ЙЎЛИДИР

Ҳамиша халқ билан, ҳамиша ҳақ билан

Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта — адолатли жамият барпо этиш.

«Адолат» сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Аввалари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.

Ислом КАРИМОВ.

Одамнинг мансабига, жамиятда тутган мавқеига, инсонийлик фазилатларига қараб ҳурмат қилиш отабоболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган. Лекин бирор манфаат юзасидан раҳбарга лаганбардорлик, тилёғламалик қилиш, пора бериш — бу катта гуноҳдир. Афсуски, баъзан шундай бўлади. Мансабдор шахс атрофига иккиюзламачи, лаганбардорлар ин қурадилар, улар турли йўллар билан раҳбарни ўргимчаксимон ўраб ташлайдилар, охири лавозим эгаси пуфакдек кўпириб кетади ва халқдан ажралади, пировардида мосуво бўлади.

Аслида инсон учун мансаб, бойлик — инсоний фазилат бўлолмайди. Инсонни унинг одамийлиги, одоби, илми, пок виждони, иймон-эътиқоди ва фидойи меҳнати безайди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **«Раҳбарнинг ишига халқ ўзи баҳо беради. Энг олий ҳакам — вақт. Раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг буюк, энг муқаддас вазифаси — уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиққан халқига сидқидилдан хизмат қилиш... Халқ назаридан қолиш эса — агар жиндек виждони бўлса, ўлим билан баробардир».**

Раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамларнинггина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳақи бор. Элим, юртим деб ёниб яшаш керак, деган шиор энг аввало, ана шу раҳбарларнинг ҳаётий маслаги бўлмоғи лозим.

Кейинги пайтда баъзи юқори лавозимдаги кишиларнинг бирин-кетин раҳбарликдан олиб ташланиши ҳам — халқ назаридан қолиши, қўлида ушлаб турган адолат тарозисини ўз манфаати томон оғдириши оқибатидир. Зеро, кимданки эл рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади. Яхши ном қозониш улкан бойлик топишдан афзал. Замона талабига тескари юрган одам сув ичидан олов қидирган одамга ўхшайди.

Ҳа, мансаб шундай нарсаки, у ҳар қандай билими саёз, маданий савияси паст одамни довдиратиб қўяди. Ҳақиқий инсон эса атрофдагиларнинг ташвишлари билан яшайди. Атоқли ҳинд жамоат ва давлат арбоби Жаваҳарлаъл Неру бу ҳақда шундай деган экан: **«Ўзгаларнинг манфаатларини ҳурмат қилмайдиган одамни маданиятли деб ҳисоблаш мумкин эмас».**

Ҳа, мансабнинг юки зил-замбил, уни кўтара билмоқ керак. Бир донишманд шундай деган: **«Агар тўғри юриб, тўғри турсанг, ҳалол-пок яшасанг, юз ёшни сенга Оллоҳ ўзи ато этади. Ҳаёт сўқмоқари нотекис, баланд-пастликлари кўп, ўртада шайтон бор. Қоқилиб кетиб, йиқилсанг, манзилга етишга йўл бўлсин. Юзга етмай қулаб кетишимизнинг боиси ҳам шунда!».**

Оллоҳ ҳамиша инсонни тўғри бўлишга чақирган. Аммо тўғри бўлишлик ўт билан ўйнашмоқ демакдир. Лекин хайрли томони беқиёс. Тўғри туриб, тўғри юрсанг, тўғри ишласанг Оллоҳнинг ҳам, банданинг ҳам олдида виждон пок бўлади, юз эса ёруғ.

Бугунги кунда Ўзбекистон келажагини яратаётган сергайрат ёшларимизни бошимизга кўтаришимиз лозим. Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур этиб бўлмайди.

Илгари эди, шўро даврида тўғри сўз синар, адолат букиларди. Оқни қора, қорани эса оқ дейишга мажбур этишарди.

Ҳатто бир шеър оммавий қўшиқ ҳам бўлиб кетганди:

Ҳа, зулм бор,
Ҳақсизлик бор
Барчага бу аёндир.
Аммо буни
зинҳор-зинҳор
Айтиб бўлмас
замондир.
Ҳамма билар,
Инсон эркин —
Яшаши шарт
пойидор.
Биз ҳам айтсак
бўлар, лекин
Уйда бола-чақа
бор...

Энди-чи? Энди замон бутунлай бошқа. Мустақиллик берган эрк бор, Президент бераётган кафолат бор. Олий Мажлис қабул қилаётган қаторқатор қонунлар бор. Сўз эркинлиги, демократия бор. Яхши яшаш ва ишлаш учун имконият бор. Аммо нима учун журналистлар лоқайдмиз, қўрқоқмиз? Нега жиммиз? Нега андиша қиламиз? Биз ҳам нега Фармонлардан кейин бақириқчақириқ қиламиз? Президент халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясида газеталарда одамларни қизиқтирадиган, уларнинг диққатини жалб қиладиган, муаммо кўтарадиган танқидий чиқишлар кам, деб айтганларида жон бор.

Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди.

АҚШнинг собиқ Президенти Рональд Рейгандан «Ўн йил мобайнида мамлакатга муваффақиятли раҳбарлик қилишингизда ким сизга кўпроқ ёрдам берди?» деб сўрашганида, у: **«Мени аёвсиз танқид қилиб турган журналистлар. Улар айтган фикрлардан ўзимни хато-камчиликларимни кўриб-билиб, ишларимни тўғрилаб бордим»** дея жавоб берган экан. Бир донишманд эса **«Танқид қоннинг айланишидир, усиз турғунлик ва касалликка чалиниш муқаррар»** деган эди.

Тўғри, кейинги пайтларда газеталарда танқидий мақолалар кўзга ташланади. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ҳуррият» ва бошқа газеталарда буни кўриш мумкин. «Адолат» газетасининг ҳар бир сонида фельетон ёки танқидий мақолалар эълон қилиниб боряпти. Бироқ, танқиднинг меваси аччиқ. Танқид кимга ҳам ёқарди, танқид шарафига ким ҳам зиёфат берибди дейсиз. Баъзан танқид адоватга, ўч олишга айланиб кетган ҳоллар бор. Бу совет даврида қолган катта қусур. Чунки ҳали биз танқидга нисбатан маданиятни ўрганмаганмиз. Танқид чиқса бир ҳафта-ўн кун қулоғингиз тинчимайди. Телефонбозлик, турли тазйиқлар... Ахир танқид холис бўлса, бунинг нимаси ёмон? Ахир уни тан олмоқлик мардлик-ку! Баъзан оддийгина дўстона мулоҳазалар, баҳслар, танқидлар ҳам адоватга айланиб кетади. Аҳиллик, тотувлик, бирдамлик ҳамма жойда керак. Ҳозирги давр барча фикрларни адолат ва ҳақиқат майдонига чиқиб очиқчасига баралла айтишни тақозо этади.

Аммо танқид учун мукофот ҳам йўқ, албатта. Калтакни ким ҳам хуш кўрарди. Бироқ танқид ишни юритиш, муҳитни тозалаш учун керак. Фақат у адолатли ва инсоф билан бўлсин. Кишининг фаолиятига адолатли баҳо берилса танқид камчиликларни бартараф этиш гарови бўлади. Аксинча ёки бир ёқламалик, тарафкашлик ноҳақ, ғаразли бўлса бундай танқиднинг таъсири салбий бўлади, адоват уруғини сочади. Афсуски, газеталарда баъзан ана шундай саёз, бир ёқламали таниқидий материалларни учратиб қоласан, киши. Энди буларга чек қўйиш вақти етди. Соғлом танда соғ ақл бўлганидек, соғлом жамиятда соғлом танқид бўлмоғи лозим.

Хуллас, жамиятда танқидга нисбатан соғлом муносабатни яратиш лозим. Журналист бу давлат, халқнинг вакили, иккиси ўртасидаги кўприк. Бас шундай экан, у бор гапни халққа айтиши керак. Минг афсуски, кўпинча турли тазйиқлар, ўч олишлар, шантажлар туфайли унинг айтмоқчи бўлган дил сўзлари тилида, қалбида қолиб кетади. Очиғи, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини қаттиқроқ танқид қилишга журналистларнинг кўпинча, ҳадди сиғмайди. Ҳадди сиққан ҳолда эса дарҳол унга нисбатан ниманидир уюштиршади. Афсуски, бунга мисоллар кўп...

Ҳар қандай соғлом танқид жамиятга катта фойда келтиришини, жамоатчиликда яхши фикр шакллантиришини ва ўзаро муносабатларда самимийлик қарор топишига кўмаклашишини ҳар бир шахс, у ким бўлишидан қатъий назар тўғри англамоғи керак. Танқид бу халқ манфаати, Ватан равнақи учун юракдан, дилдан айтилган куюнчак сўзлардир. Танқид киши иродасини мустаҳкамлашга, кибру ҳаводан сақланишга хизмат қилади.

Эрнест Хемингуэй **«Тўғри одамни ўлдириш мумкин, аммо уни енгиб бўлмайди»** деганида чунонан ҳақ эди. Чунки тўғрилик одамни балодан қутқаради. Қарға тухумини каклик тагида очиргани билан барибир гўшти ҳалол бўлмайди. Тўғри одамни ҳам минг кўйга солган билан синдириб бўлмайди. Аммо минг афсуски, ҳали ҳамон орамизда айрим ўғрилар тўғриларга ҳалолликдан маъруза ўқисалар, айрим қонунни ҳимоя қилувчилар айбдорларни эмас, жабрланувчини сарсон қилсалар, умрида битта китоб ўқимаган одам аллақандай маҳкамада раҳбар, бир мисра шеърни ёд билмайдиган арбоб ҳазрат Навоийдан маъруза ўқиса, яна бир маддоҳ сиёсатдан фалсафа тўқиб, бошни қотирса, кечагина атеизмдан дарс берувчи чаламулла бугун динни мақтаб ҳайқирса... Бундан ёмони йўқ.

Юртга бош бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу ҳам Оллоҳнинг иноятн. Худо берган оғир, масъулиятли бурчни оғишмай, доҳийлик касалига берилмай адо этиш учун жуда катта ақл-идрок ва фаҳм-фаросат керак.

Қани энди бундай одамлар орамизда бўлмаса... Дунёга чиқмоқ учун дунёча куч, дунёча ақл керак. Буюк ишларни амалга ошириш учун аҳил халқ, қудратли куч, буюк арбоб, кенг майдон лозим. Худога минг қатла шукрким, буларнинг бари бизда бор. Шунинг учун Ўзбекистонни бутун дунё таниб боряпти...

Аммо... ички қусурлар, баъзан оёқдан тортади. Бу иллатлардан тезроқ қутилсак, ишлар янада юришиб кетади. Буларга қарши туришни Юртбошимизнинг ўзлари бошлаб бердилар. Гуруч курмаксиз бўлмайди. Айниқса ўтиш даврида. Гарчи биз адолат ҳукмронлик қилиб бораётган мустақил мамлакатда яшаётган бўлсакда, лекин мансабни суиистеъмол қилиш, шуҳратпарастлик, маҳаллийчилик, порахўрлик, бойлик кетидан қувиш, манмансираш каби қусурлар учраб турибди.

Турғунлик йилларида айрим партия арбоблари мансабларини суиистеъмол қилганликлари ошкора бўлгач, халқнинг совет давлатига, коммунистик ғояларга, социализм тамойилларига бўлган ишончи йўқолган эди. Бу эса собиқ шўро давлатини охирги оқибат парокандага олиб келган омиллардан бири бўлди. Бу тарихий сабоқ. Зеро мансабни суиистеъмол қилиш, порахўрлик, юлғичлик давлатнинг таг-томирини қуритади. Шунинг учун ҳам миллий манфаатларимиз мустақил Ўзбекистонни мустаҳкамлаш каби олийжаноб ишда барча жойларда ишлаётган ҳар бир кишидан ғоят ҳалол ва тўғри бўлишни тақозо этади. Қаерда қарама-қаршилик ораласа ўша жойдан путур кетади.

Ҳақиқий раҳбар дегани одамларнинг бардошини синаш билан эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш билан танилади.

Яхшиямки жамиятимиз ҳақиқат, ҳалоллик — пойдевори устига қурилган. Яхшиямки жамиятимизда ҳалол, пок, соф виждонли кишиларимиз кўп. Шу боис онда-сонда учраётган нохушликлар жамиятимиз обрўсига путур етказолмайди.

Ўзбек диёри ажойиб юрт. Халқи олижаноб. Ҳақиқатпарвар инсонлар ҳамма вақт ҳам ўз замонасининг виждони бўлиб келишган. Оллоҳга минг шукурки, бизнинг замонамизда, жамиятимиз бошида ҳамиша Халқ билан, ҳамиша Ҳақ билан бўлган Ислом Каримовдек адолатпарвар инсон турибди. Бу ўзбекнинг бахти.

Ҳақиқат нақадар кучли бўлмасин, у чинакам инсонларнинг мададига, қўллаб-қувватлашига муҳтож. Президент шу йўлдан боряптилар. Зеро, ҳақиқат Ҳақ таоло йўлидир. Ҳақ таоло йўли ҳидоят йўлидир. Ҳаққа етмоқлик — жон фидо қилмоқ демак. Бу йўл ҳўб машаққатли, ташвишли ва аммо ўта ХАЙРЛИ йўлдир.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

Раҳбар одам — юртнинг отаси, катта-кичикка, бой-камбағалга бирдай муносабатда бўлиши лозим.

Ҳар қайси раҳбар — авваламбор инсон. Инсоннинг ўзига хос камчиликлари бўлиши табиий. Лекин манманлик, бошқаларни менсимаслик, ўзини катта тутиш, гердайиш, ўзбошимчалик энг хунук, ҳеч кимга ёқмайдиган хусусиятлардандир.

Internet ДУНЁ: ЭНГ СУНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

● Москвага ташриф билан келган ГФР канцлери Герхард Шредер Россия Президенти Борис Ельцин ва Бош вазир Евгений Примаков билан учрашди. Учрашув чоғида қайси ҳукуматлар ҳокимият тепасида турмасин икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар бир маромда ривожланиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

● **Фаластин раҳбари Ёсир Арофат келаси йилнинг май ойида мустақил Фаластин давлатини барпо этиш ниятини билдирди. У Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида яшовчи фаластинликлар олдида сўзга чиқиб, Қуддусда ибодат этиш учун уларга ҳеч ким тўсқинлик қилолмаслигини таъкидлади. Исроил раҳбари Бенямин Нетаняху эса Арофатнинг бундай қарорини Яқин Шарқ бўйича тинчлик келишувларига риоя қилмаслик деб баҳолади.**

● Римда қўлга олинган Курд ишчи партиясининг етакчиси Абдулла Ажалан унинг ташкилоти террорчиликка қарши эканлигини яна таъкидлади.

● **Чили армияси бошқаруви мамлакат қуролли кучларини фавқулодда тайёр ҳолатга келтирди. Бунга Буюк Британия шифохонасида даволанаётган мамлакатнинг собиқ мустабид ҳукмдори Аугусто Пиночетнинг озод этилмаётганлиги сабаб бўлди.**

● Грузияда тарихда биринчи марта маҳаллий ўзўзини бошқариш органларига сайлов бўлиб ўтди. 13 сиёсий партия иштирок этган сайловлар аралаш тизимда ўтказилди. Мамлакат Президенти Эдуард Шеварднадзенинг «Фуқаролар иттифоқи» ҳукмрон партияси кўпчилик кутмаган ҳолда аксарият овоз тўплай олмади.

● **Чеченистонда давлат тўнтаришига уринишда айбланиб Олий шариат суди томонидан тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган дала командири Салмон Радуевни қидириш эълон қилинди.**

● МДҲнинг ижрочи котиби Борис Березовский Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги саммити Москва шаҳрида 25 ноябрда ўтказилишини эълон қилди.

● **Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ҳукуматга иқтисодиётни соғломлаштириш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни топширди ва янги йил бюджетига тайёргарлик бўйича ишчи гуруҳини тузди.**

● Германия Ташқи ишлар вазири Йошка Фишер косоволик албан вакиллари раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Й. Фишер Германия Косоводаги можароларни тинч йўл билан бартараф қилиш борасида БМТ, ЕХҲТ, НАТО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни давом эттиражагини таъкидлади.

● **Бразилия 41 миллиард доллар ҳажмида халқаро молиявий ёрдам олади. Бу пулларни Халқаро валюта фонди мамлакат молия тизимини соғломлаштириш учун ажратади.**

● Иордания подшоси Ҳусайн ўзининг рак хасталигидан фориғ бўлганлигини хабар қилди. Ана шу хабар муносабати билан ҳукумат уч кунлик байрам эълон қилди.

● **Англия валиаҳди Чарльз 50 ёшга тўлди. Букингем саройида қиролича Елизавета II шаҳзода шарафига катта зиёфат уюштирди.**

● Вьетнамда жорий йилда ўтган йилга нисбатан какао ва қаҳвани экспорт қилиш ҳажми 12,9 фоизга, ундан келадиган фойда эса 43,5 фоизга ошган. Мамлакатда 1997-98 йилларда қаҳва етиштириш бўйича рекорд натижа қайд этилган.

АДОЛАТ

ҲАМРОҲИМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

1998 йилнинг 15 сентябридан буён республикамизнинг барча «Матбуот уюшмаси» жамиятларида ва алоқа бўлимларида «АДОЛАТ» ижтимоий-сиёсий газетасига 1999 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна баҳосини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Ташкилотлар учун: 12 ойга — 2220 сўм.
6 ойга — 1110 сўм.
3 ойга — 555 сўм.
1 ойга — 185 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 101.
Якка тартибдаги обуначилар учун: 12 ойга — 2220 сўм.
6 ойга — 1110 сўм.
3 ойга — 555 сўм.
1 ойга — 185 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 100.

ЭСЛАТМА:

Вилоятлардаги обуначиларга газета етказиб бериш учун кўрсатилган обуна нархи бир мунча ошиши мумкин.

«Адолат» ҳамиша ҳамроҳим ва суянчиғим бўлсин десангиз, унга обуна бўлинг!

«Обуна-99»

Хусусий уй-жой қурилишларига оид мулоҳазалар

ОШИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСА КЎЧАДА ИЧ

Доно халқимизнинг бу мақолидан агар ҳалол топган бўлсанг, ҳеч кимдан қўрқмай, уялмай ошкора сарфлайвер, деган маъно келиб чиқади. Бироқ аслида шундайми? Шўро ҳукмронлиги давридаги кўролмаслик, бахиллик, хусусий мулкка нисбатан нафрат бунга йўл қўймас эди. Гарчи ҳалол ишлаб топган бўлсанг ҳам на унга бирор уй-жой қуролардинг, на машина сотиб ололардинг! Аксинча, текшир-текширни бошлаб, шаънингни булғашга шошишарди. Шунинг учун ҳам астойдил меҳнат қилиб, турмуш шароитини яхшилашга интилиш суст кечарди.

• Мустақил халққа мустаҳкам уйларда яшаш ярашади.

• Ўзгалар ҳисобидан уй-жой қуриш — жиноят!

• Уйларимиз фақат энига эмас, бўйига ҳам ўссин.

• Маҳалла ободлиги — юрт ободлиги.

Тараққиёт илдизига болта ургувчи бу иллатнинг устиворлигига ўша пайтдаги порахўр, мансаб курсисидан асосан шахсий манфаати йўлида фойдаланувчи большевойларнинг психологиялари сабаб бўларди. Негаки, уларнинг ўзи шунақа эди. Гарчи билим ва қобилиятлари раҳбарлик қила олиш даражасида бўлмаса ҳам пора бериш эвазига бирор мансабни эгаллаб олишарди-ю, кейин юқоридагиларга узатганларини ўн, юз карра зиёдаси билан қуйидагилардан йиғиб олишарди. Лекин ҳаром йўл билан топган минг-мингу, миллион-миллионларини омманинг нигоҳи тушадиган ишларга харжлолмасдилар (ҳаром топганликлари фош бўлиб қолишидан қўрқишарди-да). Ичкилик, фоҳишабозлик каби (албатта хуфёна) турган-битгани гуноҳ ишларга совуриб, исроф қилардилар. Шу боис улар ҳаёт йўлини ўз қаричлари билан ўлчаб, ҳалол топиб «ошини кўчада ичган», яъни тузукроқ шарт-шароитли уй-жой қурган одамларнинг ёстиғини қуритиш пайида бўлишарди.

Хайриятки, юртимиз истиқлолга эришиб, бу мараз иллатларга зарба берилди. Ҳалол ишлаб бой-бадавлат бўлу, яшаш шароитингни яхшилайвер, хоҳласанг дангиллама иморат қур, хоҳласанг машина сотиб ол. Бу сенинг ишинг. Агар уй-жой қурсанг кўчмас мулк бўлиб қолади. Шугина эмас, хонадонинг, кўчанг, маҳалланг обод бўлади. Зеро ўзбеклар, фақат бир қаватли пахса ёки синч уйларда яшаши керак деб, ҳеч ким халқимизнинг пешонасига ёзиб қўймаган. Аксинча, сифатли, чидамли материаллардан мустаҳкам, иловжи бўлса кўп қаватли уйлар қуришга ўзбекнинг ҳам ҳаққи бор.

Шунинг учун ҳам Президентимиз топшириқлари билан аҳолига уй-жой қуриш учун ер майдонларини ажратиб беришга алоҳида эътибор берилди ва ҳамон шундай қилинмоқда. Лекин холис нияту инсоф билан айтсак бунга ҳамма жойда ҳам ҳамиша имкон бўлавермайди. Негаки, ер майдонларимиз чекланмаган эмаску. Халқимизнинг болажонлиги, тез кўпаяётганлигини ҳисобга олсак уй-жой қуриш учун ер майдони етишмай қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундай бўлгач, маҳаллалардаги уй-жойларимизни фақат энигагина эмас, бўйига ҳам ўстириш кераклигини ҳозирданоқ ўйлашимиз ва бу ҳосиятли ишда оилаларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайман. Лекин зинҳор-базинҳор уларни мазкур хайрли ишлар учун жазолаш керак эмас. Шундай қилсак қанча-қанча одамларга уй-жой қуришлари учун қўшимча ер майдони ажратиб боришдан халос бўламиз.

Аммо, мен бу билан баъзи порахўр раҳбарлару (афсуски, бундайлар учраб турибди) ҳаром пул топувчи ғаламисларга давлат ва халқ ҳисобидан ўзларига осмонўпар иморатлар қуриб олишларига кенг йўл очиб бериш керак, демоқчи эмасман. Асло! Бундайларнинг танобини ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ тортиб қўйиш керак. Ахир, Самарқанд вилоят ҳокимининг энг тор даврасида собиқ раҳбар бўлган Раим Насимовнинг «давлат маблағлари эвазига нафақат ўзи учун, балки вилоятдаги қатор-қатор раҳбар ходимлар учун ҳам қонунсиз равишда уй-жойлар, шахсий-маиший иморатлар қуриб берганлиги, шунингдек, Амир Темур майдонини ободонлаштириш ишларидан фойдаланиб, шу ҳисобдан вилоят раҳбарларига хусусий уйлар тиклаб берилган»и каби жирканч ишларга бефарқ қараш, тоқат қилиш мумкин эмас-ку! Бунақа ишнинг турган-битгани жиноятку.

Самарқанд ва Навоий вилоятларининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессияларида Президентимиз бу ва шунга ўхшаш қингирликлар хусусида куйиб-ёниб гапирганларида камина ҳам хафа бўлиб кетдим. Наҳотки, юксак ишонч билдирилиб, раҳбарлик лавозимларига тайинланган эсли-ҳушли одамлар шу қадар тубанлашиб кетишган бўлса, деб ҳайратдан ёқа ушладим. Лекин бу ношуд, ношукурларнинг касри, юртбошимиз таъкидлаганларидек, бошқа бегуноҳларга урмаслиги керак. Менинг бундай дейишимга асос бор. Айрим совет давридаги иқтисодий тенгликка ўрганиб қолган ишёқмаслар фурсатдан фойдаланиб, «мана энди уй-жой қурганларнинг ҳолига вой, қурган уйлари тортиб олинади», деб аюҳаннос солмоқдалар, миш-миш тарқатмоқдалар. Уларга қолса ҳеч ким уй қурмаса, қурса ҳам бир қаватли, алмисоқдан қолган шаклда омонат қилиб қуриши керак. Замонавий, муҳташам, қўш қаватли бинолар қуриш мумкин эмас. Хўш, нега?

Бу саволга асосли жавоб топишолмайди-ю, лекин маҳаллада қад ростлаган шинам уйларни, ҳатто буздириб ташлашни таклиф қилишади. Ҳайрон қоласан киши. Нега энди пастқам, беўхшов уй-жойларни шунақа замонавий шинам уйларга тенглаштириш ҳақида эмас, аксинча қулай шарт-шароитларга эга ўша кўркам уйларни буздириб, эски беўхшов уйларга тенглаштирмоқчи бўлишади? Бу бир пайтлар мустамлакачиларнинг халқимизга қилган сиёсатини эслатади. Улар ўзларига тобе бўлган халқларнинг тараққиёт йўлини тўсиш учун, қолоқлик ботқоғида сақлаб туриш учун ҳар қанча тубанликларга қўл уришарди. Гоҳ — миллатнинг энг донишманд, зукко фарзандларини қатағон қилишар, гоҳ баённларига сохта айбларни ёпиштириб, мол-мулкларини талашарди. Ана шу руҳдаги тарбия қон-қонига сингиб кетган бунақа одамларнинг турмуш тарзига назар ташласангиз гоят беҳафсала, тепса тебранмас даражада ялқовликлари маълум бўлади. У ёки бу корхонада саккиз соат ишлаб келишади-ю «олган маошим кам» деб ҳасрат қилишади, ҳаётдан нолишади. Топармон-тутармон кишиларга ҳавас эмас, ҳасад қилишади.

Шу ўринда фикримнинг янада аниқ бўлиши учун бир мисол келтираман. Фалончининг оила аъзолари давлат корхоналарида ишлашади. Аммо ишдан бўш пайтларида ҳам тиним билишмайди. Эрта тонгда барвақт туриб мол-қўйларга қарашади, дам олиш кунларида ҳовлиларида етиштирган мева-чевалару кўкатларни бозорга олиб бориб сотишади. Аёллари тикувчилик қилишади, кампирлари бировларнинг кўрпаю кўрпачасини қавишади, давлатдан рухсатнома олиб нонвойлик ҳам қилишади. Ҳатто йиллик таътиллари чоғида ишлашади, дам олишни билишмайди. Табиийки, шулар ҳисобига анчагина қўшимча даромад қилишади.

Ўтган ёз ойларида шу оиладаги беш эркак шанба-якшанба кунлари кунига жами тўрт мингдан (икки ойда 64 минг) гишт қуйишди. Кейин иморатни бошлаб юборишди. Бетонни ҳам ўзлари қоришди, гиштни ҳам ўзлари теришди, лўмбозни ҳам ўзлари босишди. Керак бўлганида қариндош-уруғларини ҳашарга ҳам чақиришади. Хуллас, ҳаш-паш дегунча данғиллама иморатни қуриб олишди.

Корхонада 8 соат ишлаб келиб, кейин қорин чангаллаб ётган, фарзандларини «дом» билан таъминлашларини сўраб ҳокимлик ҳузурига қатнашдан чарчамаётган пистончилар оиласи эса «булар шунча иморатни қанақа қилиб қурди? Демак, қаёқдандир ҳаром пул топади?» деган хулоса чиқариб, уларнинг устидан турли идораларга хатлар ёза бошлади. Бундоқ бошдан дўппини олиб ўйлаб қарасак, пистончининг бу қилмиши нақ инсофсизликнинг ўзи! Бундайларга қўйиб берса тузукроқ иморат қурган барча ишчан, тадбиркор одамларга «ҳужум» бошлаб, уйим-жойим деб тиниб-тинчимаётган, фарзандларининг турар жойга бўлган эҳтиёжини ўз ҳаловатидан кечиб, ички имкониятлари ҳисобига қондираётган юртдошларимизнинг ёстиғини қуритишлари ҳам ҳеч гап эмас. Худди шунақа бўлмаслиги учун эса бунақа ғаламисларнинг дунёқарашини ўзгартиришга, айниқса, маҳалла фаоллари бор имкониятларини ишга солишлари керак.

Яқинда бир тўй маросимида уч-тўрт кишининг фалончининг қурган уйи хусусида иғволарининг гувоҳи бўлдим. Улар туппа-тузук бир олимнинг қурган иморатига ҳасад қилишар, унинг оппоқ шаънига бўлмағур гаплар билан балчиқ чаплашарди.

— Уят эмасми, — дедим мен уларнинг суҳбатига аралашиб. — Фалончи уй қурган бўлса ўз маблағига қурянпти. Ахир, шу уй кераклиги учун оз еб, оз ухлаб, кўп ишлади. Боз устига бир неча йил хорижда ҳам ишлаб келди. Ичмаса, чекмаса, ресторанма-ресторан юриб топганини беҳуда совурмаса, иморат қуришга қурби етади-да! Бунинг ўрнига сизлар ҳам ўша одамдай ишлашга, ўша одамдай яшаб, уй қуришга ҳаракат қилинглар.

Мана, сиз, пистончи ака, оилангизда ишга яроқли беш эркак бор. Лекин лоақал ҳовлингизни девор билан ўрамагансиз, уйингиз нураб ётибди. Бироқ ҳар шанба куни дўконга чопасиз. У ердан вино олиб келиб ичкиликбозлик қиласиз. Эртасига тўрхалтага бутилкаларни солиб яна дўконга ошиқасиз. Шунинг ўрнига беш киши гишт қуйиб, терсангизлар девор деганингиз бир ойга қолмай битади-ку! Бир машина қум олиб сувасангиз сип-силлиқ қумшувоқ бўлади. Икки-уч челак оҳак билан оқланади. Қарабсизки, ҳам ҳовлингиз, ҳам кўчангиз кўркам бўлади. Йўқ, сизнинг бунақа ишларга қўлингиз бормайди. Аммо бировнинг қурган иморатига ҳасад қилиб, номини булғашга тилингиз боради. Маслаҳатим шуки, фалончини иморат қургани учун ғийбат қилмай, унга ҳавас қилинг ва унга ўхшатиб сиз ҳам уй-жойингизни обод қилинг, янги иморатлар қуринг!

Оламга пистончининг дунёқараши билан назар ташлаш, фикри ожизимча, бемаъниликкина эмас, ашаддий зараркунандалик. Халқимиз орзу-ҳавасли халқ. Топса тўй қиламан, уй қураман дейди. Тўғри, шу пайтгача қурилишдан кўра ҳам тўй қилиш, мотам маросимларини ўтказиш урф эди. Эндиликда бу бидъат маросимларни ўтказиб, исрофгарчиликка барҳам берсак, халқимиз шу ҳисобдан тежалган маблағини ҳам уй-жой қурилишига сарфлайди. Агар биз дунёга бояги пистончининг ҳасад тўла кўзлари билан қарасак, унда нима бўлади? Одамлар тузукроқ қурилиш қилишдан ҳам чўчиб қолади. Топган маблағини хуфёна ишларга (эҳтимол фоҳишабозлигу, ичкиликбозликларга) сарфлаб, исроф қилади. Йўқ, менимча бунга йўл қўйиб бўлмайди. Шундай экан яхши уй-жой қураётган, эскиларини қайта таъмирлаб, замонавий қиёфа бахш этаётган оилаларнинг тажрибасини оммалаштирайлик.

Ҳозирданоқ қурилишлар мамлакатига айланган юртимизда хусусий уй-жой қурилишларини янада авж олиши учун бор имкониятларни ишга солайлик. Бу соҳада давлатимиз, хусусан, ҳурматли Президентимиз амалга ошираётган сиёсатнинг тўла бажарилишига кўмаклашайлик. Зеро, Йўлбошчимиз ташаббуслари билан аҳолига уй-жой қуриш учун беҳудага имтиёзли кредиту ссудалар ажратилмаяпти. Президентимизнинг уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ дастлаб Тошкент шаҳрида, кейин бутун республика бўйича хизмат қиладиган давлат акциядорлик уй-жой жамғармабанклари ташкил этилганининг моҳиятини ҳам яна бир бор англаб етайлик. Бу жамғармабанк аҳолининг бўш маблағларини уй-жой қурилиши учун жамлаш юзасидан жуда муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳатто уларга атаб қурилаётган уй қийматининг ярми давлат ҳисобидан қопланмоқда.

Бас, шундай экан, замонавий, муҳташам уй-жой қураётган маҳалладошларимизга ҳасад билан эмас, ҳавас кўзи билан қарашга ўрганайлик. Халқимиз XXI асрга пастқам, пахса-ю синч уйлар билан эмас, замонавий, гиштин, иложи бўлса кўп қаватли уйлари билан кириб борсин. Маҳаллаларимиздаги ҳар жой, ҳар жойда қад ростлаётган икки-уч қаватли уйларни йўқотишга эмас, бошқа уйларни ҳам унга тенглаштиришга интилайлик. Шундай қилсак юртимиз янада обод, кўркам бўлади, фуқароларимиз ҳар томонлама қулай, замонавий, муҳташам уйларда яшайди. Зеро, мустақил халқимизнинг бой яшаши, фаровон турмуш кечиришга ҳаққи бор. Шундай яшаш унга ярашади.

Худди шу мулоҳазалар билан шаҳримиз маҳаллаларидан ўтиб борарканман, кимнингдир янги, шинам уй қураётганини, бошқа бировнинг пастқам, кўримсиз уйини қайта таъмирлаб ажойиб файз бағишлаётганини кўриб кўзим яшнайди. Юртдошларимнинг уй-жой шароитлари яхшиланаётгани, фусункор, файзли бўлиб бораётгани, буларнинг ҳаммаси шонли истиқлолимиз шарофати, Йўлбошчимизнинг юртимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксак даражада ошириш йўлида қилаётган жонбозликларининг маҳсули эканлигини ҳис қиламан. Юртимизга ҳурлик келтириш йўлида қурбон бўлганларнинг руҳи поклари шодмон бўлаётганини ҳис қиламан-да фахрланиб кетаман.

Мурод КАЛОНХОНОВ.

Наманган «Мевасабзавот» вилоят ҳудудий бирлашмасининг Янгиқўрғон туманидаги 9 та хўжалиги асосан мева, узум, картошка ва сабзавот етиштиради. «Кўкёр» жамоа хўжалиги туман марказидан 50 километр узоқда, тоғ ён бағирларида жойлашган йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Иқлими салқин. Дўл, жала, ёмғирлар тез-тез бўлиб туради. Хўжалик деҳконлари, боғбонлари бу йил 210 гектар ерда картошкадан 2260 тонна картошка, 550 гектар ердаги мевадан 616 тонна, 245 гектар майдондаги ғалладан 763 тонна ғалла етиштирдилар. Бундан ташқари, чорва моллари учун емҳашак ҳам етиштирдилар. Бу соҳадаги режалар ортиғи билан адо этилди.

СУРАТДА: ишчи Алишер Мирзаметов «Кўкёр» жамоа хўжалиги раиси Ёдгоржон Мақсудов ва бошқарма бўлими бошлиғи Илҳомжон Мирзаакбаров билан етиштирилган ҳосилнинг сифатини кўздан кечирмоқда.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Диққат! Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ОЛОВ — ТИЗГИНСИЗ ЁВ

Унинг ҳаётимизни таҳликага солмаслиги учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 ноябрь кунидаги фармойишига асосан 16 ноябрдан 16 декабргача республикамизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Шу муносабат билан махсус мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат полковниги Юсуп Ўктамович ҚОСИМОВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Юсуп Ўктамович, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишдан кўзланган мақсад қандай? Наҳотки ҳозирги кунда республикамизда ёнғинлар вазияти шунчалик кескин бўлса?

— Авваламбор шуни айтиб ўтишим жоизки, сўнгги йилларда ёнғинлар сони, уларда тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлиш ҳоллари бир мунча камайиб бормоқда. Лекин бу бизни хотиржам бўлишимизга асос бўлолмайди. Кўзланган мақсадимизга эришаяпмиз деганимиз билан ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Чунки содир бўлаётган ёнғинларнинг 70 фоиздан ошиғи фуқароларнинг турар жойларида юз бераяпти. Бундай ёнғинларнинг келиб чиқишига асосан оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, носоз иситиш мосламаларини қўллаш ёки уларни қаровсиз қолдириш, ёш болаларнинг шўхликлари саба бўлаётгани ташвишли ҳолдир.

Энди ушбу ойликни ўтказишдан кўзланган мақсадга келсак, фармойишда республика шаҳарлари, туманлари, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги корхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, аҳоли, ишчилар, хизматчилар ва ўқув юртлари ўқувчилари орасида тушинтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш, масканларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, ёнғинлар, улар орқали инсонларнинг ҳалок бўлишига йўл қўймаслик асосий вазифа этиб олинди. Бунинг учун аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш, ўт ўчириш техникасининг жанговар ҳолатини намойиш қилиш мақсадида республикамиз вилоятлари, шаҳарлари, туманларининг аҳоли дам олиш жойлари, истироҳат боғларида учрашувлар, кўргазмалар, корхона, маҳалла қўмиталари, мактаб, бошқа ўқув юртлари ва фуқаролар йиғилиш жойларида ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этишимиз, турли хилдаги эслатма, плакат ва шиорлар ишлаб чиқиб, уларни тарқатишимиз керак бўлади.

— Шу ўринда олдинги йили ўтказилган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» қандай самара берганига ҳам тўхталсангиз? — Унинг натижаларидан кўнгил тўладими?

— Ўтган йили ўтказилган ёнғин хавфсизлиги ойлигини чуқур таҳлил қилганимизда амалга оширилган ишлар, кўрилган чоралар ва бу тадбирларга кенг жамоатчиликни жалб этганимиз боис у ўзининг ижобий самарасини бериб, айнан шу даврларда ёнғинлар ва уларда инсонларнинг тан жароҳати олиб ҳалок бўлиш ҳолларининг кескин камайганлиги маълум бўлди. Жумладан, ўтган 1997 йили 14 ноябрдан 14 декабргача ўтказилган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида ёнғинлар сони 1996 йилнинг шу кунларига нисбатан 39,5 фоизга, инсонларни ҳалок бўлиши 21 тага, тан жароҳати олиш эса 110 тага камайди. Яъни, у ишлаб чиқариш корхоналарида 7,91 фоизга, савдо тармоқларида 17,4 фоизга, маъмурий, маиший ва маданий муассасаларда 21,4 фоизга, аҳоли яшаш жойлари ва хонадонларда эса 9,2 фоизга тўғри келди.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни бориши, ёнғинлар ва уларда инсонларнинг ҳалок бўлишини олдини олишни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб боришга эътибор бераяпмиз. Телевидение ва радио тармоқлари орқали кўрсатув ва эшиттирувлар тайёрланаяпти. Рўзномалар саҳифаларида мақолалар чоп эттирилмоқда. Телевидение билан ҳамкорликда бир неча йиллардан буён ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ҳал этилмаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан хўжаликлар ҳамда аҳоли турар жойларида рейдлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари орқали уларнинг натижалари мунтазам равишда ёритиб борилмоқда. Бу каби қатор ташкилий ишлар эса ўзининг ижобий самарасини бераяпти.

— Юсуп Ўктамович, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни айнан кузги-қишки мавсумда ўтказилаётганининг бирон бир сири борми?

— Содир бўлаётган ёнғинларнинг таҳлили уларнинг қиш фаслига келиб кўпайиб кетаётганлигини кўрсатмоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки қишли қировли кунларда барчамиз хонадонимизни иситишга ҳаракат қиламиз. Кўп ҳолларда уйни иситиш учун носоз «печ»лар, қўлбола ёки турли хилдаги электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш, айрим пайтларда, айниқса, тунда газ босимини тушиб кетиб яна кўтарилиши ёнғин чиқиш хавфини янада оширади. Мана шуларни инобатга олиб ёнғин хавфсизлигини ойлигини қиш даврида ўтказиб, бу ишга маҳалла фаоллари ва жамоатчиликни жалб этган ҳолда ҳар бир хонадонда бўлиб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб боришни йўлга қўйишимиз керак. Фақат шундай йўллар билан қишли қировли кунларда фуқароларнинг турар жойларида ёнғин чиқиш ҳолларини кескин камайтиришга эришган бўламиз. «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишда республикамиз аҳолисининг фаол иштироки, кенг кўламда амалга оширилган ишлар ва кўрилган чора-тадбирлар бир неча йиллар давомида энг катта муаммо бўлган — турар жойларда содир бўлаётган ёнғинларни бир мунча бўлсада камайтиришга ёрдам бермоқда. Жумладан, 1996 йили турар жойларда содир бўлган ёнғинлар сони 1995 йилга нисбатан 0,5 фоизга камайган бўлса, 1997 йили 8,7 фоизга камайган. Болаларни олов билан ўйнаши натижасида содир бўлган ёнғинлар 1996 йили 1995 йилга нисбатан 11,9 фоизга камайган бўлса, 1997 йили 3,5 фоизга камайган, иситиш «печ»ларидан содир бўлаётган ёнғинлар эса 1997 йили 22,6 фоизга камайтирилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, оз бўлсада кўзланган мақсадларимизга эришаяпмиз. Бу йил режаларимиз катта: ойликни уюшқоқлик билан ўтказиб халқ хўжалиги масканларида, айниқса, аҳоли яшаш жойларида ёнғин хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш, ёнғинлар сонини, уларда тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлиш ҳолларини камайтиришимиз зарур.

— Демак...

— Фурсатдан фойдаланиб барча ҳамюртларимизга мурожаат этиб «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»нинг ўтказилишида уларни фаол қатнашишга даъват этаман. Чунки бу билан биз давлат мулки ва шахсий мулкимизни ёнғиндан асраган бўламиз. Шунингдек, яқинларимиз ва фарзандларимизнинг хавфсизлигини таъминлаймиз. Яъни, олов — тизгинсиз ёв. Унинг ҳаётимизни таҳликага солмаслиги учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Хат босилмади, аммо...

ҚЎШИМЧА ТЕКШИРУВ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Фуқаро Зуҳра Муқимова таҳририятимизга шикоят хати йўллаб, унга нисбатан ноҳақлик бўлаётганини баён этган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига юборилган эди. Қуйидаги жавоб олинди.

Республика Прокуратурасида фуқаро З. Муқимованинг аризаси, унга нисбатан жиноят иши қўзғалишини рад этиш ҳақидаги ҳужжатларни ўрганиш билан кўриб чиқилди.

Аниқлашича, З. Муқимова 1998 йил 17 июль куни соат 11 лар чамасида Яккабоғ тумани нефть маҳсулотларини сақлаш омборининг қоровули С. Ҳикматов билан ўзаро жанжаллашиб, уни уриб, натижада унга енгил тан жароҳати етказади.

Фуқаро З. Муқимова рўй берган ҳодиса юзасидан Яккабоғ туман нефть маҳсулотлари базаси директори Х. Бектошевнинг хизмат хонасида тушунтириш бераётганида туман ИИБ қўриқлаш бўлинмасининг бошлиғи С, Ўроқов кириб келиб, шу ерда З. Муқимова билан жанжаллашиб қолади.

1998 йил 18 июль куни ушбу ҳолат бўйича фуқаролар С. Ўроқов, Х. Бектошев ва шу йилнинг 20 июль куни З. Муқимова ва ҳамда М. Қурбоновалар Яккабоғ туман прокурори номига ариза билан мурожаат қилишган.

Ушбу аризалар юзасидан туман прокуратурасининг терговчиси А. С. Қодиров томонидан текширув ҳаракатлари олиб борилиб, натижасига кўра 09.09.98 йилда Ўзбекистон ЖПК нинг 83-моддаси 2-бандига асосан, жиноят иши қўзғатишдан рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Ушбу қарор республика прокуратураси томонидан бекор қилинди ва З. Муқимованинг аризасида кўрсатилган важлар юзасидан мазкур ҳолат бўйича қўшимча текширув ташкил этилиб, Қашқадарё вилоят прокурорига ёзма кўрсатма берилди.

Қўшимча текширув устидан Республика Прокуратураси томонидан назорат ўрнатилди.

Ш. МУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг Ички ишлар идораларида тергов ва суриштирув ҳамда ДСҚ идораларида суриштирувни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

МУРОЖААТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 ноябрдаги фармойишига асосан халқ хўжалиги ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш мақсадида 16 ноябрдан то 16 декабргача Республикамизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.

Ушбу ойликнинг асосий вазифаси этиб республика шаҳар ва туманлари, аҳоли яшаш пунктлари ва халқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хафсизлиги чораларини кучайтириш, аҳоли, ишчи-хизматчилар ва ўқув юртлари ўқувчилари орасида тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш, масканларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, ёнғинлар, уларда инсонларнинг ҳалок бўлишига йўл қўймаслик чоралари белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган ушбу фармойиш фақатгина Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларининг иши бўлибгина қолмай, балки барча вазирлик, концерн, маҳкама ва ташкилотлар, кенг омма, ишчи-хизматчилар ва фуқароларимиз учун ҳам бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифа бўлиши шарт. Демак фармойишнинг бажарилишида республикамизнинг барча жабҳа, корхона, ташкилот ва муассасалари раҳбарлари ўз ишларига янада масъулият билан ёндошишлари, фармойишда кўрсатиб ўтилган тадбирларни тўлиқ бажаришга интилишлари лозим. Бундан ташқари ҳар бир ишчи-хизматчи ўз иш жойида, фуқароларимиз эса яшаш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари керак.

Бу ишлар амалга оширилса, олдимизда турган қиш мавсумида ёнғинлар сонини камайтириш, уларда инсонларни тан жароҳати олиб ҳалок бўлиш ҳолларини олдини олишимиз турган гап. Шу билан бирга ёнғин хавфсизлиги ойлиги даврида корхона ва муассасаларда, ташкилотларда фармойишдан келиб чиққан ҳолда жабҳаларнинг ёнғинга қарши ҳолати тузилган комиссияларда кўриб чиқилиб, кераклі чора-тадбирлар ишлаб чиқилса ва уларни бажарилиши таъминланса Республикамизнинг янада гуллаб яшнашига, халқимиз томонидан машаққатли меҳнат эвазига бунёд этилаётган миллий ва маънавий бойлигимизни, иншоот ва биноларимизни ёнғинлардан сақлашга қўшган улушимиз салмоқли бўлишига ишончимиз комил.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани Ёнғиндан сақлаш бирикмаси.

ЖАЛОЛИДДИН ЖАСОРАТИ

(Достондан парча)

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг «Аттоир» (1989 й.), «Илтифот» (1995 й.), «Замахшарийнома» (1996 й.), «Амир Темур» (1996 й.), «Гурурли миллат тимсоли» (1997 й.), «Маънавият гултожи» (1997 й.), «Аҳмад ал-Фарғоний» (1998 й.) китоблари нашрдан чиққан. Унинг таржимасида Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол», Насафийнинг «Баҳориёт — Ким зўр?», Низомийнинг «Баққол ва тулки» ҳамда «Чор китоб» асарлари китобхонларга тақдим этилган. Шоирнинг «Туркий сулолалар ёҳуд Шоҳномаи туркий», «Беҳзод ва Ширин» достонлари нашрга тайёрланмоқда. Қуйида ҳассос шоирнинг буюк саркарда ва давлат арбоби, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги «Жалолиддин жасорати» достонидан бир боб муштарийлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Сомоний тарихин титкилаб манзур,
Султон Жалолиддин қилди тафаккур:
«Нечун буюк давлат топди таназзул,
Нечун шоҳлар бўлди охирида қул?
Боиси қилмагач элга адолат,
Қайтди ўз бошига зулму разолат!
Ака-ука билан талашганда тахт,
Икковдан бировга кулиб боқар бахт!
«Ватанни асрамоқ иймондан» — дея,
«Ҳар қазо қадари Яздондан» — дея,
Ишонмай Чингизнинг лофу қофига,
Муридларни йиғиб Шайх атрофига,
Шаҳарни ҳимоя этди баимкон,
Бу ғазот уруши ҳар бир мусулмон,
Оллоҳнинг йўлида бўлса гар шаҳид,
Тушунган иймонли барча мужтаҳид
Жангда ютиб чиқса бахтиёр ғозий,
Ўлса элу юрту Яратган рози
Насибаси бўлар жаннати ризвон,
Курашди қолгунча сўнгги томчи қон!
Чингизхон Урганчга тортмасдан лашкар,
Нажмиддин Куброга юбориб чопар,
Деганди: «Муридинг бўлса каму беш,
Олиб чиқ шаҳардан ҳар шайху дарвеш,
Уларнинг қонига бўлмасмен зомин,
Шулдир маслаҳатим, илоҳо омин!»
Шайх Нажмиддин Кубро эса биссавоб,
Чингизхонга шундай қайтарди жавоб:
«Мана етмиш йилки яшаб Урганчда,
Элим билан бўлдим шодлигу ранжда,
Уларни тарк этсам оғир замонда,
Шубҳа уйғонгайдир ҳар мусулмонда!
Жонимни асрашга боғламасман бел,
Мен учун жонимдан азизроқдир эл!
Сен менга тараҳҳум этмаю асло!
Гўдаклар қонидан кеч, солма яғмо!»
Чингиз ҳайрон бўлди унинг гапидан,
«Зарарни фарқламас, — дея нафидан»
Сўнг бўлиб дахшатли жанг қирғинбарот,
Шайх Нажмиддин Кубро дея ғазавот,
Душман қаршисига чиқиб мукобил,
Улар курашади бамисоли фил!
Мўғуллар беришиб ҳисобсиз қурбон,
Охири этишиб Урганчни яксон,
Нажмиддин Кубро ҳам олиб жароҳат,
Кексайган вужуди бўлиб бероҳат
Урганч аҳли бўлиб охири таслим
Шайхнинг муридидан қолмагач ҳеч ким,
Ўлим шаробини ҳис этиб аччиғ,
Сўнгги бор ғанимга санчар экан, тиғ,
Бир мўғул унга ҳам тортади шамшир,
Унинг яловидан маҳкам ушлаб пир,
Отдан йиқитолмай даҳшатни англаб,
Ўлади байроқни қаттиқ чангаллаб!
Бу ҳолни кўргандай кейин баайни,
Тарихга киритган котиб Жувайний!
«Шайхнинг илкидан сўнг ўн довқур йигит,
Яловни бўшата олмай таъби хит!
Кесиб олишади тополмай чора,
Шаҳид шайх кафтида ялов бир пора,
Кофирларнинг қора ишлари янглиғ,
Кетгандир гувоҳ шу ўткинчи танглиғ!»
Урганч таслим бўлгач юз минг ҳунарманд,
Олиб кетилади этиб занжирбанд!
Ёзма ёдгорликлар бергайдир гувоҳ!
Сўнгги ғалабадан мўғуллар гуморҳ,
Руҳланиб, тўплангач ўлпону ҳирож,
Барча хотин-қизни айлаб ялангоч,
Иккига ажратиб қилдиришиб жанг,
Сўнг танлаб олиниб шўх, дудоғи танг,
Қизу аёллар-ла ҳар мўғул сарбоз,
Истаганча ўйнаб «макёну хўроз»,
Ҳаддидан ошириб зулму зўрликни,
Эл бошига солиб аянч хўрликни,
Маишатга бериб Чингизхон рухсат,
Улар кўнгилхушлик қилиб бир фурсат,
Баҳор лолаларин этгандай хазон,
Эл ору номусин топтаб беомон,
Сўнгра вазирларни айлашиб сўроқ,
Қорнига тиқишиб панжшаха, ўроқ,
Қийнашди Ҳинд ила Арабдан гавҳар,
Олиниб этилган чоғда мусаххар,
Қани ул бебаҳо уч дури ғалтон:
«Ганг» ила «Бадахшон», «Шуъалйи жаҳон»
Собиқ хазинабон даҳшатда қотиб,
Гавҳар ютган очкўз вазирни «сотиб»,
Айтади Чингизхон фармон чиқориб,
Баликдек вазирлар қорнини ёриб,
Топилиб охири икки гавҳартош,
Ковланиб ўн қорин, кесилиб ўн бош,
Мўғуллар бўлади жудаям хурсанд,
Ҳар битта навкарга ўттиз занжирбанд,
Қул совға қилади Чингизхон шунда,
Бундайи бўлмаган рубъи маскунда!
Урганчни ёндириб этганда ҳам кул,
Хумордан чиқмасдан бу ваҳший мўғул,
Тўғони бузилиб сўнг наҳри Жайҳун,
Урганчни ғарқ этиб чўктирар бутун!
Бу жойлар сўнг бўлиб қашқир макони,
Келган бойқуш ила қузғун даврони.
Учраб Хоразмшоҳ таназзулга бас,
Фақат Жалолиддин бўлмасдан абас.
Мўғулларга қарши курашни давом,
Эттирди ёвлардан олиб интиқом!

Олимжон БЎРИЕВ.

Акс-садо

МАРД ҚОЛУР МАЙДОН ИЧИНДА

10 октябрь куни ҳар галгидан барвақт уйғондим. Боиси, тезроқ кўчага чиққим, одамлар, ҳа, оддий, меҳнаткаш, заҳматкаш одамлар бағрига сингиб, уларнинг чеҳраларига боққим, суҳбатлашгим, баҳслашгим келди. Мана, ниҳоят автобусдаман. Хаёллари ҳаётнинг кундалик ташвишу қувончлари билан банд бўлган мана шу ҳазрати инсонларга зимдан тикиламан. Бугун, ҳа, худди бугун уларнинг юз-кўзларида ҳаққа, ҳақиқатга, адолатнинг муқаррар тантана қилишига бўлган ишонч, эътиқод нурлари янада ёрқин шуъла сочаётганлигини кўраман. Олдинги ўриндиқда ўтирган (кўринишларидан зиёлиларга ўхшайди) икки кишининг ўзаро суҳбатларига беихтиёр қулоқ тутдим.

— Бунақаси бўлмаган, — деди улардан бири ҳамроҳига ўгириларкан тўлқинланиб. — Президентимиз ҳаммасини билар эканлар-а!!! Айрим муттаҳам, нопок раҳбарларнинг ҳақиқий башарасини шундоққина бутун халқнинг кўзи ўнгида очиб ташладилар-а!!!

— Маъруза ниҳоятда аёвсиз бўлди, — унинг сўзларини маъқуллади шериги. — Лекин гапнинг рости, ўзимизда ҳам айб катта. Раҳбарларнинг камчилигини шартта-шартта бетига айтолмаймиз, андиша қиламиз, қўрқамиз.

Чап томонимдаги ўриндиқда ўтирган мўйсафидлардан бири эса бошини сарак-сарак қилиб қўйди:

— Юртбошимизга ниҳоятда қийин экан. Куюниб, ёниб кетяптилар-а??? Илойим умрлари узоқ бўлсин. Қани энди, ҳамма раҳбарлар ҳам шунақанги жон куйдиришса...

Гапингиз тўғри, отахон дейман мўйсафиднинг сўзларини хаёлан маъқуллаб. Ҳақиқатнинг юзига тик қараш осон эмас. Ахир, Президентимиз музокарага ўтилганда мажлис бошқарувчисига қараб руйхатни қўйинг, келинглар, очиқчасига гаплашиб олайлиқ, марҳамат, хоҳлаган одам сўзга чиқсин, деганларида ойнаи жаҳонга термулярканман, юрагим гурсиллаб бирорта мард журналист чиқиб қолар, деган хаёлга бордим. Йўқ, уларда ё журъат етишмади ёки ўша муттаҳам раҳбарлар билан муросасозлик қилиб келишгани учун сўз сўрагани уялишди.

Ҳа, ҳазрати Навоий айтганларидек, «Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ». Мен адолат учун курашиш, ҳақ сўзни айтиш, кўп ҳолларда журналистларга қимматга тушишини яхши биламан. 1989 йилнинг июнь воқеалари худди кечагидек ёдимда. Халқ ўртасида парокандалик кучайган ўша таҳликали дамларда мен Фарғона вилоят радио эшиттиришида оддий мухбир эдим. Марказий матбуотларда ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб чиққан ўзбек йигитларини «ароқ ичиб, наша чекиб олган бир тўда экстремист оломон»га ўйишди. Бу ҳақда турли мақолалар чоп этилди. Ўша пайтда Қўқон шаҳар партия қўмитаси олдидаги майдонда зобитлар ўқидан азият чекан бегуноҳ одамлар ҳақида эса лом-мим дейилмади. Комендантлик соати жорий қилинган ўша кунларда эрталаб репортёримни олиб 1-шаҳар касалхонасининг шикастланганлар бўлимига бордим.

— Жон ука, мумкинмас, бўйруқ бор, — деди бўлим мудири Эргашали Эҳсонов безовталаниб. — Балога қоб кетаман.

— Ака, мени тушининг ҳақиқатни билмоқчиман, — дедим қон доглари қотиб қолган оппоқ халатига тикиларканман ялиниб. — Ахир, сиз ҳам ўзбексиз-ку, эртадан кейин виждонингиз қийналмайдими?

Врач менга бир муддат тикилиб турди-да, «юринг», дея ўқ еб ярадор бўлиб ётганларнинг палатасига бошлади. Беш-олти кишилик хонага кирдик.

— Мана улар, — деди мудир оғриқ азобидан ранглари синиққан ёш-ёш йигитларни кўрсатиб. — Булар ҳаммаси эмас, нариги палаталарда ҳам бор. Бизда асосан қўлидан, оёғидан ўқ еб ярадор бўлганлар ётишибди.

У шундай дея хона тўридаги ўриндиқда ётган 25 ёшлар чамасидаги йигит томон бошлади. Унинг ранги докадек оқариб кетган, сўзлашга ҳам мажоли йўқ эди.

— **Қаеридан ўқ еган, — секин сўрадим.**

— Оёғидан, — деди врач чуқур нафас олиб. — Мана, кўринг. — У шундай дея чўнтагидан икки донa ўқни олиб кўрсатди. Шундан кейин қўшни палатадаги ярадорларнинг ҳолидан хабар олиш учун хонадан чиқарканмиз мудир қўшимча қилди:

— Ҳалиги йигитнинг оёғини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади, кесдик...

Юрагим зирқираб кетди.

Ўша куни имкониятни қўлдан бермаслик учун ярадорлар билан суҳбатлашиб уларнинг сўзларини лентага ёзиб олдим. Сўнгра тегишли органлар хабардор бўлмасларидан бу ердан тезроқ кетиш учун ташқарига чиқарканман секин сўрадим.

— **Ёшларнинг ичиб, наша чекиб олганлиги ростми?**

— Ҳаммаси бўҳтон, — деди Эҳсонов таассуф билан бош чайқаб. — Анализ қилиб кўрдик, бирортасидан ҳам чиқмади.

Мен ўша куниёқ самолётда Тошкентга етиб бориб ленталарни ёзувчилар уюшмасига топширдим. Сўнгра фурсатни бой бермай республика радиосига ўтдим.

— Жуда қалтис-да, — деди ёши тахминан мен тенги йигит сўзларимни диққат билан эшитаркан ўйланиб. Келинг, таваккал қиламиз, зўр келса мени ишдан олишар.

Ўша куни республика радиоси орқали халқимизга бўҳтон, туҳмат қилинаётганлигини, кўзим билан кўрган бор ҳақиқатни рўй-рост айтдим. Шундан кейин руҳим енгил тортиб елкамдан тоғ агдарилгандек бўлди.

Эртаси куни эрталаб поезддан тушиб уйга келсам хотиним йиглаб ўтирибди.

— Бизни, болаларингизни ўйласангиз бўлмайдими? Доимо ўзингизни ўтга, чўққа уриб юрасиз, — деди у.

— Тинчликми, — сўрадим хавотирланиб.

— Сиз кетганингиздан кейин кечқурун соат ўн бирларда эшик тақиллади, — деди қўрқув оҳангида. — Очмадим, «ким» десам сизни сўрашди. Ўйда йўқлигингизни, Тошкентга кетганлигингизни айтсам, «улгурмабмиз» деган овоз эшитилди-ю, машинага ўтириб жўнаб қолишди. Худо кўрсатмасин обориб қамаб қўйишса нима қиламиз?..

— Ваҳима қилаверманг, — дея хотинимни тинчлантирган бўлдиму, тўғриси ичимдан зил кетдим.

Ўшандан кейин уч-тўрт кунгача хавотирга тушиб юрдим. Ҳайрият ҳеч ким сўраб келмади. Назаримда фактлар қўлдан чиққанлигини, энди фойдасизлигини тушунишган бўлишса керак...

Ўз хаёлларим билан бўлиб идорамдан бир бекат ўтиб кетибман. Автобусдан тушиб орқага пиёда қайтаётсам йўлда кичик корхона очган тадбиркор дўстимни учратиб қолдим. «Кеча телевизорда сессияни кўрдингми, — деди у сўрашишни ҳам унутиб ҳаяжон билан. — Ана энди зўр бўлади, ўзиям жуда ҳаддидан ошиб кетишганди бу текширувчилар. Мана, кеча, «налог»нинг бошлиги мени чақириб, «замимиз Тошкентда малака оширяпти, машинангизда олиб бориб ташлаб қўйинг», деди. Йўқ деб бўладими? Дарров қилдан қийиқ ахтаришади. Бензин фалон пул бўлса. Бугун эрталаб борсам, бошлиқ «Майли, овора бўлманг, ўзи кетди», — деди. Мана, кўрдингми, уларнинг ҳам пайтавасига қурт тушиб қолди».

Ўша куни кўтаринки кайфият билан ишладим. Уйга келиб ахборотни кўриб ўтирарканман қувончимга яна қувонч қўшилди. «Умид» жамғармаси орқали Президентимизнинг грантини қўлга киритиб чет элларда таълим олаётган ёшларни Америкадан кўрсатди. Уларнинг сўзларидан ўқишни тезроқ битириб Ватанимизга, Президентимизга, халқимизга садоқат, ҳалолу поклик билан хизмат қилиш иштиёқида ёнаётганликларини, эшитиб, кўриб тўлқинланиб кетдим. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида юртбошимизнинг юрак-юракдан айтган гаплари қулоғим остида жаранглагандек бўлди: «Мен ҳозирда ўзим ишониб раҳбар қилиб қўйган одамлар элюртнинг ишончини оқламай, нопок йўлга кирганларида ниҳоятда хафа бўламан. Шунда ҳалолу пок, иймоны эътиқодли, билимли ёшларнинг катта бир сафи етишиб чиқаётганлигини ўйлаб кўнглим равшан тортади».

Ҳа, мен ҳам ҳалолу пок йўл билан ўқишга кириб, олий даргоҳларни имтиёзли битираётган, юртбошимизнинг гамхўрлиги туфайли ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган минглаб йигит-қизлар яқин келажакда малакали мутахассислар бўлиб, Президентимизнинг атрофида олмосдек нур сочиб, тогдек мустаҳкам бўлиб туришларига, элим деб, юртим деб ёниб яшашларига ишонаман.

Шуларни хаёлимдан ўтказиб ёзув столимга ўтирарканман қадим бир достонда ўқиганим, жўшқин, оловли сатрлар ёдимга тушди: **Саваш чоғи номард қочиб, мард қолур майдон ичинда...**

Носир ЗОҲИД.

ДУШАНБА, 23

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
* * *
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлмас мерос».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Сеними, шошмай тур». Мультфильм.
10.40 Кундузги сеанс. «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.35 «Элга кирсанг, алдек бўл».
13.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
13.20—14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «Олам ва одам».
18.45 «Таянч нуқтаси».
19.05 «Қалдирғоч». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод ва биз».
21.30 «Устозлар даврасида». Мусиқий дастур.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.25 **«Маънавият» дастури.**
23.10 А. Орипов. «Сохибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
00.30 «Ахборот».
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Жажжи давра», Мульттомоша).
18.40 «Хонадон».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 «Ёшлар куйлаганда».
21.05 «Буюк юрт фарзандиман».
21.15 Араб эстрадаси.
21.30 «Маслаҳат».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий клип-антракт.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Аҳмад қаёқда?». Комедия.
23.55 Спорт-китъаси.
00.25 Хайрли тун!

ЎзТВ-III
ТТV
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Мухлис — ТВ».
18.30 Болалар учун. «Эй ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

23 – 29 ноябрь
ОЙНАИ ЖАҲОНДА

20.00 «Сен ҳакингда ва сен учун».
20.15 «Бурч ва масъулият».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Дорихона эшитади...».
22.25 Телефакт.
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «ТТВ-мусиқаси».
23.20 «Минг бир ҳикмат».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Саргузашт фильмлар экрани.
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ
* * *
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 Душанба куни Познер билан. «Никобдаги киши» дастури.
19.45 «Соялар чошгоҳда иўқолади» сериалининг янги талқини.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 137-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Замонавий дизайн».
22.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
23.00 «Вести».
23.30 «Иф қалъасининг маҳбуси». «Аббат Фариа». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида).
01.00 Тунги сеанс: «А—2 лойиҳаси». Бадиий фильм.
02.40—02.45 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 24

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.15 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоклари.
10.30 Кундузги сеанс: «Жаноб «Р». Бадиий фильм.
12.05 «Мактублар-кабутарлар».
12.30 «Рақс, рақс, рақс...»
12.50 «Қизлар даврасида».
14.10—14.50 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўшиғим жон қўшиғим».
18.30 Синхрон сузиш бўйича «Сув парписи». Халқаро турнири.
18.50 «Ҳамкорлик маҳсули».
19.05 «Қонун ва ижро».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Кўз таровати».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс садо».
21.35 «Санъаткор саодати». Қувондиқ Искандаров.
22.10 А. Орипов. «Сохибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 2-қисм.
23.10 «Узлигинг намоён қил». Экранда — Наманган вилояти.
23.45 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», Мульттомоша).
18.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ёшлар ва спорт».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Ғазал соғинчи».
20.50 Сиз севган хонанда: Илҳом Фармонов.
21.05 «Марду-майдон».
21.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Хиванинг меъморий обидалари».
21.45 «Ёшлар» телеканалида.
21.50 Шарқ эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Мариядан юз ўгириб». Детектив.
24.00 Хайрли тун!

ЎзТВ-III
ТТV
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Сухбатдош». Публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таянч».
20.20 «Кўшиқдан қўшиққа». Ўзбекистоннинг навқирон ёшлари куйлайди.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Табиат шифохонаси».
22.05 «Бу — джаз».
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 «Кинонигоҳ».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Мавзу».
19.45 «Соялар чошгоҳда иўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 138-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «ТБ-4 да немис тўлқини».
22.45 «Менинг шаҳрим».
23.00 «Вести».
23.30 «Иф қалъасининг маҳбуси»: Граф Монте Кристо». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.35 «Касбга назар».
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15 Тунги сеанс: «Хаммангизни яхши кўраман». Кинокомедия.
02.55—03.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 25

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Оҳанглар жилоси». Мусиқий дастур.
8.55 «Саломат бўлинг». Спорт дастури.
9.10 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
«Умид» намойиш этади:
11.20 «Вақтинг кетди...»
11.40 «Ғазалхон ёшлигим».
12.05 «Акс садо».
12.35 Кундузги сеанс: «Қамоқ муддати ўтгунча». Бадиий фильм.
14.10—14.40 Ўзбек куйларидан концерт.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Усмирлар учун. «Сени Ватан кутади».
18.30 «Фермер».
18.45 «Дунё чиройли». Мусиқий дастур.
19.05 «Сиҳат-саломатлик».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тафсилот».
21.30 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
22.05 «Адолат мезони».
«Тунги ҳамроҳ»:
22.30 «Билим-ринг».
23.10 «Соғинчли салом».
23.30 «Ёшлар ва эстрада».
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Спорт майдончаси», Мульттомоша).
18.40 «Семурғ». Усмирлар учун ахборот-кўнгилочар дастур.
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ракурс». Ёзувчи Тоҳир Қаҳҳор.
19.50 Муҳаббат наволари.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.25 — Эълонлар.
20.30 Ринг.
20.45 «Рақслар қанотида». Балерина Нозима Умарова.
21.05 «Авторейд».
21.15 «Ёшлик куйлайди».
21.35 «Эркин фикр». Раҳбар қиёфаси ҳақида.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. УЕФА кубоги.
24.00 Ҳаммаси мода ҳақида.
00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ-III
ТТV
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Кўзгу».
22.10 «Хайрли окшом».
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Гуллар юртининг дурдоналари». Телефильм.
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Видео—О».
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.45 «Соялар чошгоҳда иўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 139-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан».
22.45 «Муҳожирлар юрти».
23.00 «Вести».
23.30 «Технопарк-2000».
23.45 «Иф қалъасининг маҳбуси»: «Интиқом». Бадиий фильм. 3-қисм.
01.20 «Ахборот» (рус тилида).
01.45 Тунги сеанс: «Одамато ковурғаси». Бадиий фильм.
02.55—03.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 26

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 «Томчи».
10.40 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
11.20 «Маърифат маскани».
12.05 Кундузги сеанс. «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.
13.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.10 Осиё ўйинлари олдидан. «Бангкокдан Сиднейгача».
14.25—14.55 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Усмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.35 «Юксалиш».
18.50 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Назм ва наво». Фузулий лирикаси.
22.10 «Миллий таълим уфқлари».
22.45 **«Somon йўли».**
23.45 «Қиёфа».
00.15 «Ахборот».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бўш ўтирма», Мульттомоша).
18.40 «Мезон».
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ёшлар ва спорт».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Мушоира».
20.45 «Мутойиба». Футбол ҳангомалари.
21.05 «Одамлар орасида».
21.35 Мусиқий лаҳзалар.
21.40 «Ёшлик формуласи».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. Чемпионлар лигаси.
24.00 «Дойче Велле» тақдим этади...
00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ-III
ТТV
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «ТВ ва театр».
18.45 «Ишдаги ишқ ёки...»
19.20 Цилором наволар.
19.20 Сансет бичинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
19.55 «Кевоин табиат».
20.05 «Муаллиф».
20.20 Болажонлар экрани.
20.30 «Эверест-98».
20.50 «Қийлб куйган яхши».
23.05 В. Шекспир. «Кирол Лир». А. Хидоятов номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.50 «Онагинам».
00.10 «Бева Бланка». Телесериал.
00.55 «Тошкент ва тошкентликлар».
01.10 «Кунгир аийк ҳақида». Телефильм.
01.35 «ДАРАКЧИ».
01.45 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
02.05 «Яхши кайфият».
02.35 Оҳанглар ва эълонлар.
03.40 «Видео-О».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Эслашлари учун...» Юрий Каморний. Л. Филатов олиб боради.
19.40 «Соялар чошгоҳда иўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 140-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «02» тўлқинида.
22.40 «Спорт-клуб».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси».
23.50 Кинематограф: «Тарзан».
01.55 «Ахборот» (рус тилида).
02.20 «Оддий мўъжизалар». Телефильм.
03.05—03.10 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 27

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Мумтоз наволар.
8.50 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
9.10 «Спорт кошоналари».
9.25 «Зиннат».
9.40 «Халқ ижодиёти».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жараён».
10.35 Немис тили.
11.05 «Меъёр».
11.30 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
11.40 «Ботма, қўеш».
12.05 Кундузги сеанс. «Қадимги шуҳратлар». Бадиий фильм.
13.20 «Қушиқ — маъновият кўзгуси».
14.10—15.10 «Саҳнадан саҳнага».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Ишлик ҳақида қўлдан».
18.45 «Ким олади, 2000 йилдан сўнг».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.00 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Элга кирсанг, алдек бўл».
21.40 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.25 «Ўзбекистон ифтих

Боқий сатрлар

ЧУСТИЙ

ХОНАДОНДАН БОШЛАНУР

Яхши фарзанд ўстиринг ҳеч ким маломат қилмагай,
Сиздан ўрганмай туриб гўдак ҳақорат қилмагай,
Оқил ота-она наслин бефаросат қилмагай,
Ўз-ўзича ўсса у озга қаноат қилмагай.
Тарбият кўрган эса сизни ҳижолат қилмагай,
Хонадондан бошланур ёшликданоқ нафъу зарар,
Эркалатмоқ яхши, аммо ҳаддидан ошса агар,
У бола бўлгай муаллимларга ҳам бир дардисар,
Бўлмагай яхши билимлик, балки бўлгай дарбадар,
Улғайиб қолганда у сизга итоат қилмагай.
Ўғри бўлсин деб туғарму ҳеч она фарзандини,
Ким ёмон ниятда ўстиргай ўзин дилбандини.
Қай она бошлар касофатга саодатмандини.
Ким қабул айлайди ҳар бир соҳадан қувландини,
Яхши ота-она ҳеч шундай жиноят қилмагай,
Онда-сонда учрагай халқ ичра бундай беҳунар,
Бир масал бордир, демишлар: бирники мингга урар,
Келди, лекин мардлардан дунёга мардоналар,
Шукр этарман сўзларимдан кимки бўлса баҳравар,
Элга нафи бўлмаса Чустий китобат қилмагай.

ХУРРАМДИР

Қадрдон ёру дўстлар бўлмаган олам жаҳаннамдир.
Жаҳаннам, ёру-дўстлар бирла бўлса, ўзга оламдир.
Бу сўз мазмунидан ақлила бўлган бахраманд камдир,
Бу хил ҳам ҳам эмас, донога нодонлик ғами ғамдир.
Биров қайғуси байрамдур, бировга тўй мотамдир.
Оёқ устида бир кун ё турармиз ё туролмасмиз,
Кўришмоқ боғидан гуллар терармиз ё теролмасмиз,
Бу сирдир, бир биримизни кўрармиз ё кўролмасмиз,
Қалай ҳолинг дебон ҳатто сўрармиз ё сўролмасмиз,
Бу қисқа умр қадрин билмаганлар хайфи одамдир.
Ололсам бир кўнгилни менга бир дунёдан ортиқроқ,
Киролсам эл дилига жаннатул маъводан ортиқроқ,
Сувни ҳар қатраси тўлқинли ҳар дарёдан ортиқроқ,
Эл ичра камтаринлар менга ҳар аълодан ортиқроқ,
Буларнинг ҳар сўзи, ҳар суҳбати дардимга малҳамдир.
Омон бўлсин, омон бўлсин, омон бўлсин, омон бўлсин,
Жаҳонда тинч-омонлик бирла бирлик ҳукмрон бўлсин,
Иложин топса ёру дўст доим ёнма-ён бўлсин,
Узоқда бўлса ҳам Чустий яқиндек меҳрибон бўлсин,
Кимики меҳрибонлар бирла бўлса шоду ҳуррамдир.

Кулги бекатида

Судья судланувчидан сўради:

— Охирги марта сўраяпман, шеригингиз ким?

— Наҳотки сиз мени ўз акасини сотади деб ўйласангиз.

* * *

Ўлим тўшагида ётган эр хотинига деди:

— Мен ўлаяпман, охирги илтимосимни бажо эт! Айтчи, сен менга хиёнат қилганмисан?

— Агар ўлмай қолсангизчи....

* * *

— Қизалоғим, Люси, югуриб бориб кўриб келгин, қассобда чўчқанинг оёғи бормикин-йўқмикин?

Ярим соатдан сўнг қизалоқ қайтиб келибди.

— Хўш, билиб келдингми?

— Йўқ, пойлаб турдим-турдим, лекин у киши ботинкасини ечмади. «Оёғингизни кўрсатинг» дейишга тортиндим.

* * *

Ҳайвонот боғида арслоннинг қафаси олдида кичкина бола отасидан сўраяпти:

— Дада! Арслон қафасдан югуриб чиқиб Сизни еб қўйса, уйга қайси автобусда кетай?

* * *

Ота ўғлидан сўради:

— Менда ўнта олма бор. Иккитасини есам, нечта қолади?

— Билмайман, — деди ўғил. — Биз мактабда масалани апельсинда ечамиз.

Мерос

ТАЪМИРДАН ЧИҚЯПТИ

XIX асрнинг муаззам обидаларидан бўлмиш Худоёрхон ўрдаси Туркистон заминида сақланиб қолган учта йирик сарой мажмуаларидан биридир. Уларнинг бири — Хивадаги «Тошҳовли» саройи, иккинчиси Бухоро «Арк»и, учинчиси Худоёрхон ўрдасидир.

Қўқон хонлиги даврида (1709—1876 йиллар) хонлар тарафидан етти марта сарой қурдирилган. Замона зайли билан уларнинг олтитаси йўқ бўлиб кетган. Худоёрхон ўрдаси эса еттинчи — охирги сарой бўлиб, унинг кичик бир қисми сақланиб қолган. Аввало «ўрда» атамасининг маъносига эътибор берайлик. Дастлаб «ўрда» сўзи давлат, салтанат маъноларига эга бўлган. Аста-секин «давлат бошлиғи қароргоҳи» тариқасида ўзгарган. Демак, ўрда-хон қароргоҳи демакдир.

Манбаларнинг хабар беришича кўра, Худоёрхон ўрдаси ўрнида Саййид Муҳаммад Умархон томонидан қурдирилган «Зарринсарой» номли ўрда бўлган экан. 1842 йилда Қўқон-Бухоро уруши оқибатида ушбу гўзал иншоот бузилган.

Саййид Муҳаммад Худоёрхон ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларида «Жаҳонаро» саройида истиқомат қилган. Мазкур сарой давр талабига жавоб бермай қолганлиги, бу ерда отаси ва акаси ўлдирилганлиги туфайли Худоёрхон бу ерда истиқомат қилишни хоҳламай, «Зарринсарой» ўрнида янги ўрда биносини қурдиришга фармон беради. Қурилиш ишлари ўтган аср эллигинчи йиллари охирида бошланади. Қурилиш ишига саркор этиб машҳур меъмор Мир Ўбайдулло Муҳандис Хўқандий тайинланади. Шунингдек, донгдор усталардан Усто Абдулло Рожидоний, Муҳаммад Турдиали, уста Фозилхўжа, Исавой Махсум, Мулло Аҳмад Домулло, Муҳаммад Олим сирчи ва бошқалар жалб этилган.

Дастлаб ганчдан саройнинг кичик нусхаси (макети) тайёрланган. У хон томонидан тасдиқланганидан сўнг, қурилиш ишлари бошланган. Худоёрхон вақтинча тахтдан кетгандан сўнг, қурилиш ишини Султон Саййидхон бироз давом эттиради. 1865 йил Худоёрхон тахтни қайта эгаллагач, қурилиш кенг кўламда давом этиб, 1870 йилда якунланади.

Худоёрхонга бу саройда беш йилгина яшаш насиб этди. 1876 йилда Қўқон хонлиги босиб олингандан сўнг, ўрданинг пастки қисмлари бўлиб ташланиб, ўрнига қалъа қурилди. Ўрданинг қолган қисми шаҳар гарнизони ихтиёрига берилган. Бинонинг юқори қисми ҳам аста-секин бузилиб, 114 хонадан атиги 19 хона сақланиб қолган. 1920 йилларда бу ерда қашшоқлар қўмитаси, қўшчилар союзи каби идоралар ўрнашган.

1924 йилда бу ерда Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмаси очилиб, кейинроқ шу кўргазма асосида музей таъсис этилди. Музей бир гектар майдонга жойлашган бўлиб, жами унда 6 та бўлим фаолият кўрсатади. Бундан ташқари учта шўъба (филиал) мавжуд. Улар Ҳ. Ҳакимзода, Муқимий, Қодиржон Ҳайдаров уй музейларидир.

Ҳозирда музейнинг ички ва ташқи қисмларида жиддий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Унда «Меъмор» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг таниқли ўймакор-ганжкор усталари, 705-таъмирлашсозлаш бошқармаси қурувчилари, йўл қурилиш бошқармаси йўлсозлари, «Қўқон-нур» корхонаси нурчиларидан иборат жами 50 дан ортиқ турли хил касб эгалари хизмат қилишмоқда. Йилнинг охиригача бу мерос мажмуи тўлиқ таъмирлашдан чиқарилади.

Турғунбек МАҲКАМОВ.

СУРАТЛАРДА: Қўқондаги Худоёрхон ўрдасининг умумий кўриниши; Қўқон шаҳри бош меъморчи муовини Мухторжон Раҳимов япониялик меҳмон Неики Хогината ва бошқа сайёҳларга ўрда ҳақида маълумот бермоқда.

Муҳаббатнинг тақвими

(23 ноябрдан 29 ноябргача)

● **ҚЎЙ** — Ушбу даврда кўпроқ хизмат масалалари билан фаол шуғулланиб, мартабангиз йўлидаги интилишларингизни ижобат қилишга катта эътибор беришингиз даркор.

Қандайдир янгиликдан хабардор бўлишингиз мумкин.

Бу кунларда тортишувлар, зиддиятлар ва шунингдек, севиклингиз билан бўлган муносабатларда муаммолар пайдо бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

● **БУЗОҚ** — Дадил бўлинг! Иш фаолиятингизда ҳар қандай қийинчилик ва кескинликларни енгиб ўтиб, ҳақиқий муваффақиятга эришасиз. Ушбу кунларда сиз ўз иқтидорингизга тўла ишонишингиз лозим. Вояга етган фарзандларингиз сизни кўнгилсизликлар ва кечинмаларга ғарқ қилишлари мумкин.

● **ЭГИЗАКЛАР** — Жорий кунлардаги иқтисодий масалалар ҳеч қандай муаммосиз ўз ечимларини топиб, сизга даромад олиб келади. Бироқ севги-муҳаббат ва оилавий муносабатларда асабийлашишлардан фориғ бўлолмайсиз. Ўз мулоҳазаларингизни баён қилишингизда эҳтиёткорлик айни муддао бўлади.

● **ҚИСҚИЧБАҚА** — Ушбу кунларда пухта ўйламасдан бирор тадбирни амалга оширманг. Яқин кунларда сизга билдириладиган тижорат таклифни жиддийроқ мулоҳаза қилинг. Акс ҳолда «чув» тушишингиз ҳеч гап эмас. Кайфиятингиз кескин ўзгариши мумкин. Шамоллаб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

● **АРСЛОН** — Молиявий аҳволингиз мустаҳкамланади. Ушбу ҳафтада иш билан боғлиқ музокаралар, учрашув ва сафарларни режалаштиришингиз мумкин. Ҳафта охирига бориб аҳволингиз ёмонлашиш эҳтимоли бор.

Ҳар қандай хушхабарларни қайта-қайта текширишингиз айни муддаодир. Гинакудуратларни унутинг, яқинлар, дўсту биродарларга нисбатан кўпроқ диққат-эътиборли бўлинг.

● **ПАРИЗОД** — Ҳафта турли ўзгаришларга бой бўлади. Дастлабки уч кун кўнгил шикасталикларга йўғрилган бўлади. Ҳаётингиздаги муҳим босқич сифатида ҳиссиёт ва нафсоний жабҳасидаги масалалар юзага чиқади. Руҳий ҳорғинлик сезилиши мумкин. Шанба ва якшанба кунлари ҳеч нарсани ўйламанг, фақат дам олинг.

● **ТАРОЗУ** — Ушбу давр куч-қувватга барака қўшиб, турли ғоялар ва янги ишларнинг туғилишига сабаб бўлади. Яхши натижаларга эришмоқ учун эса энг асосийларини чегириб қолиб, иккинчи даражадагиларидан воз кечмоқ керак.

Севиклингиз олдида ҳаддан ташқари сир-синоатларингизни очишдан ўзингизни тийишга ҳаракат қилинг.

Чет эл билан боғлиқ алоқалар катта муваффақият келтиради. Шамоллаб қолишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

● **ЧАЁН** — Ишларингиз қийинчилик билан амалга ошганда ҳам сиз ички қарама-қаршиликни енгиб, ўз имкониятларингизни жуда юқори баҳолашдан қутуласиз. Сизни қўллаб-қувватлашлари шубҳасиздир. Ҳафта давомида руҳий ҳорғинлик, зўриқиш сезасиз. Айни пайтда тасодифий воқеалар, янги хушхабарлар сизни чулғаб олади.

● **ЎҚОТАР** — Агарда кейинчалик ҳам ҳамма нарсага реал қараб, иш тутсангиз ҳаётингиз «кема»си чўкмайди. Баъзи бир молиявий муаммоларни муваффақият ила ҳал қилишингиз мумкин. Узоқ сафарларни амалга оширувчиларни тақдир тақозоси ила кўнгилли танишувлар қутмоқда.

● **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Сиз тўла куч билан ишлашга лаёқатлисиз. Фақат ҳамма нарсани тўғри режалаштириб, ташкил этиб ўлгуриш даркор. Ушбу даврда шуғулланаётган иш сизга яхшигина даромад келтиради. Соғлиғингиз безовта қилиши мумкин. Куюнманг, бу бирпасда ўтиб кетади.

Оилавий муносабатлар, севги-муҳаббат борасидаги можаролар мураккаблашиши мумкин.

● **ҚОВҒА** — Ўйин-кулгу ва кўнгилхушликлар йўлида сизни асабийлашиш ва тушунмовчиликлар қутмоқда. Жамғармаларингизни жойлаштириш, қимматли қоғозлар билан иш олиб бориш, моддий ишлар билан боғлиқ сафарларга боришларни бироз кейинчаликка қолдирганингиз маъқул.

● **БАЛИҚ** — Муаммоларнинг тасодифий ечимлари очилиб қолиши мумкин. Диққатингизни яқинларингиз соғлиғи ва молиявий мураккабликлар тўла чулғаб олади. Ушбу давр энг яхши фазилатларингизни намоён қилишга, олижаноблик ва иродангизни кўрсатишга ундайди.

Севгилингиз билан бўлган муносабатлардаги муаммолари ҳал қилишга имкон пайдо бўлади. Вояга етган фарзандларингиз билан бўлган муносабатлардаги муаммолар ўз ечимини топади.

* * * *

Армон

ДАДАМ БИЛАН БАХТИЁР ЭДИК...

Дадам, дадажоним, мени ҳеч кимга ўхшамаган, меҳрибон, тенгсиз дадажоним. Биз дадажонимиз билан бахтиёр эдик. Дадамнинг касблари оддий ошпаз эдию, қўлларидан китоб, ойнома, рўзномалар тушмасди. Иш соатларида ҳам, уйда ҳам қўллари бўш бўлди дегунча «Халқ сўзи», «Адолат», «Қашқадарё», «Оила ва жамият» газеталари «Саодат» ойномаларини қўлларига олардилар, ўқимишлироқ мақолани кўрсалар онамга, бизларга ҳам ўқишни маслаҳат берардилар.

Мактабимизга теҳ-тез бориб, синф раҳбарларимиз билан учрашиб турардилар. Мактабда ўтадиган бадиий кечалар, мустақиллик дарси, сўнгги қўнғироқ тадбирларига эринмай завқ билан қатнашардилар. Байрамларимиз дадамсиз ўтишини тасаввур ҳам эта олмасдик. Байрамларда бир томонимизда онажонимиз, бир томонимизда дадажонимиз масза қилиб яйраб, ўйнаб-кулиб қайтардик. Қайси байрам, ё дам олиш куни бўлмасин Мустақиллик майдони ё истироҳат боғига олиб бориб дадажоним суратга туширардилар. Биз ҳам шунга яраша дадамни хурсанд қилиш учун фақат беш баҳога ўқишга ҳаракат қилардик. Онам ҳам, дадам ҳам бизсиз ухлай олмасликларини яхши билганликлари учун момоникига қишлоққа меҳмонга кетсак ҳам ётиб қолмасдилар. Кечгача ё ўзимиз, ё дадам бориб олиб келардилар. Дадам, тоғам, амаким, аммаю, холаларимга ҳам, етти ёт бегоналарга ҳам меҳрибон, раҳмдил, кўнгилчан одам эдилар...

Бахтимизга кўз тегди... 1997 йил 10 сентябрь куни бизнинг беташвиш, болалик кунларимизни, дадам билан нурафшон оиламиз боғини илгари ҳам бир неча бор судланган, эл безор Камол Бобоев ўзининг ваҳшийлиги билан яксон этди. У дадам ишлайдиган ошхонага бориб, безорилик қилиб, жанжал чиқаради. Дадам, мени жанжалга тоқати йўқ дадагинам, Камолни тартибга чақираман деб, Алишерни изидан кўлида пичоқ билан югурган Камолни орқасидан бориб «Камол эсинг йиғ, пичоқ билан ўйнашма» деб ўртага тушадилар. Кўзи қонга тўлган Камолни дадамнинг тартибга чақиришлари баттар қутуртириб юборади. У қўлидаги пичоқни дадамнинг ўнг биқинларига 14 сантиметр чуқурликда уриб, қайта-қайта бураб олади. Тез ёрдам кеч чақирилади. То касалхонага олиб борилгунча дадам 3,5-4 литрдан зиёд қон йўқотадилар. Биз хабар топиб касалхонага етиб борганимизда дадажоним жарроҳлик столида бу хиёнаткор дунё билан бир умрга хайрлашдилар. Сўнгги сўзларини эшитиш, бағларида эркаланиш, дийдорлари бир умр армон бўлиб қолди.

Биз биз эмас, дадам Ўктам Зоировни қандай одам эканлигини билган Чармгар, Қўрғонча, Кулол, Чақар, Бузрукобод маҳалла аҳли, бутун Қарши шаҳрининг яхши одамлари қайғуришди, тарбиясиз оила фарзандига худодан муносиб жазо сўрашди. Чунки ҳар гал ҳам Камол судланиб, ҳомийларидамида жазодан қутилиб қолгани учун шу атрофдаги халқни адолатга ишончи қолмаганди.

Чунки у 1993 йид эски таҳрирдаги ЖКнинг 125-моддасининг 1-қисми ҳамда 216-моддасининг 6-қисми, яъни вояга етмаган болаларни ўғирликка жалб қилгани ҳамда ўғирлик гуруҳига бошчилик қилгани учун судланиб, қарийб 12 йиллик жазо ўрнида номигагина 1 йил меҳнатга жалб қилиш жазоси билан қутилиб қолади.

1997 йил 20 майда эса хотинига тан жароҳати етказганлиги ҳамда қайнонаси Д. Акчуринани ҳақоратлаб, безорилик қилгани учун шаҳар судида иши кўрилиб, яна арзимаган жарима билан қутилиб кетади. 1997 йилнинг июнь ойида яна хотини ва онасини тутиб урганлиги учун маҳалласида, шаҳар хотин-қизлар қўмитасида муҳокама этилади ва назоратга олиниб, огоҳлантириш хати берилади. Онаси эса ўғлини тўғри йўлга бошқариш ўрнига, чўнтагини пулга тўлдириб, эркалатиб қўйишади. Мен ёш бўлсам ҳам ҳайрон қоламан, ўз боласига тарбия бера олмаган аёл, қандай қилиб болалар боғчасида тарбия масканига раҳбарлик қила олади?!

Мени дунёларга алишмайдиган дадажоним, меҳр-оқибатли, хайрли, яхши ишларнинг, маҳаллада ўтадиган барча тадбирларга ҳисса қўшадиган меҳрибоним бевақт ўтиб кетдию, қотилнинг ҳомийлари аввалига воқеа ҳолатларини ўзгартириб, Камол Бобоевни қутқазиб қолишга, ҳатто яна руҳий касал деб жазодан озод қилишга ҳаракат қилишди...

Шу ўринда мен аввало Республика Президентига, республика Прокуратурасига, Республика руҳий касалликлар шифохонаси жамоасига, вилоят прокуратурасига, вилоят судига ҳақиқатни юзага чиқишига ҳисса қўшганликлари учун оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман.

Бойвачча оиланинг эрка, қотил ўғли вилоят судининг 1996 йил 22 январдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддасининг 2-қисмининг «Л» банди билан судланиб 20 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Дадамнинг яхши ниятлари кўп эди. Менга «Сен аммаларингдек журналист бўласан, Сардор билан Ҳазратбекни Америкага зўр ўқишларга ўқитаман» дердилар. Онамга «Асила тўйимизни 15 йиллигини чиройли қилиб нишонлаймиз, тайёргарлигингни кўравер, онаси» деб ўша кунга атаб қўйлар боқаётган эдилар... Туғилган кунини дадамсиз йиғлаб-йиғлаб нишонладик. Укаларимни дадамни соғиниб йиғлаганларига юрагим эзилиб кетади. Барваста, онам чўкиб, бир бурда бўлиб қолдилар. Дадамни кўргим келиб, ҳали ҳам ўлганларига шонмай, чор тарафни излайман. Кўз ёшларимни онамга кўрсатмай деб, ичга ютаман. Яқинда мазам бўлмай қолди, дўхтир чақиришганди, кўп сиқилганидан қизингизда бўқоқ касаллиги пайдо бўлибди деб бир гала дори-дармон ёзиб бериб кетди.

«Адолат» газетасини дадам севиб ўқирдилар. Ҳозир Сиз ҳурматли гагета ходимларига дарду ҳасратим, армонимни ёзаяпману, дадажоним соғинчи, юрагимни ўртаб кетаяпти. Кўз ёшларимни тутолмайман. Битта илинжим, дунёда фақат яхши инсонлар яшасин.

Дилафрўз ЎКТАМ қизи,
Қарши шаҳри.

Қатағон қурбонлари

ОТИЛСИН... ОҚЛАНСИН...

Тўхта Қобилов 1938 йил 10 январь куни тўсатдан қамоққа олинади. Бу ҳақда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 14 октябрь 1938 йилги хатида қуйидагилар ёзилган:

«Совет тузумига қарши, миллатчи, қўпорувчи ва иғвогарлиги учун Олий суд Жиноят кодексининг 58, 64 ва 67-статьялари билан айбдор деб ҳисоблайди, отувга ҳукм қилади».

Бу ҳукм 15 октябрь 1938 йил Тошкент шаҳрида ижро этилади. Жасадининг кўмилган жойи эса ноаниқ... Ўғли Ўлмас кўп ёзишмалардан сўнг 1974 йил 12 декабрь куни Москвадан хат олди. Унда «СССР Министрлар Советининг 8 сентябрь 1955 йил N 1665 қарори билан Тўхта Қобилов айбсиз отилгани учун авф этилган» дейилганди...

Тарихчиларнинг маълумотига кўра, Тошкентнинг Оқтепа деган жойида (ҳозирги Юнусобод даҳасига ўтадиган кўча бошида) ўнг ёнбағрида уч-тўрт қудуқсимон ўралар бўлиб, кечалари шу ерда одамлар машинада келтирилиб отилган. Ўзбекистон ҳудудида бундай қудуқлар ўша даврда оз бўлган эмас. Кўплар қаторида Тўхта Қобилов ҳам балки шундай қудуқларнинг бирига ташлаб юборилгандир. Бу тахмин, албатта. Аммо 30-йиллар жаллодларидан бўни кутса бўларди.

Мана... 60 йил ўтаяпти. Ўзбекистон бугун анча ўзгарди. Бутун гавдаси билан тик туриб дунё кўрмоқда. Ҳур республикамизни жаҳон таниди ва таниятпи. Оталар орзу қилган кўм-кўк дала ва боғлар, пахтазору далалар обод бўлиб бормоқда. Пахта, ғалла, нефть, олтин каби бойликларимиз мустақил халқ мулкига айланди.

Бироқ тан яраси даволансада, тил яраси, туҳмат, бўҳтон яраси ҳамон тузалган эмас. Оталар қабри топилмаётир.

Хўш, Тўхта Қобилов ким эди? Унинг ўз халқига хизматлари қандай бўлган? Чиндан ҳам у халқ душмани эдими?

84 ёшли отахон, колхозчи-деҳқон бўлиб, бир умр халққа фойдам тегсин дея яшаган Тармашбобо Йўлдошев Тўхта Қобилов ҳақида қуйидагиларни эслайди:

— Тўхта (Мулла Тўхта) Қобилов узун бўйли, кенг елкали, гавдаси тик, қарашлари ўйчан, юз тузилиши чиройли, буғдой ранг, кўзлари катта, пешонаси кенг, сўзлаганда мулоҳазали ва босиқ, кам сўз одам эди. Биз ёшлар билан учрашганда... «Сиз Ўзбекистоннинг келажаги, яхши ўқинг, кўп билинг, ҳунарнинг жиловани маҳкам тутинг, чунки бу даражаси эгаламасдан ўз халқингизда фойдангиз тегмайди» деб айтган сўзлари бугунгидек ёдимда.

1912 йилда туғилган Худойберди Жониқулов Тўхта Қобиловни қуйидагича хотирлайди:

1928 йилнинг ёзида Равот қишлоғи яқинида бир аёл ва бир эркакни (бозордан қайтаётган йўловчиларни) пичоқлаб ўлдириб кетишди. Жиноятчилар жабрланганларнинг мол-мулкини олиб яширинади. Бироқ воқеа содир бўлган жойда пичоқ ғилофи тушиб қолган экан.

Йўлтўсарлар бу хунрезликдан икки мақсадни кўзда тутгани маълум бўлади. Яъни, равотлик араблар билан Бағанали қишлоғи аҳолиси ўртасида жанжал чиқаришни ҳам кўзда тутганлар.

Воқеа содир бўлган жойга район ички ишлар бўлими бошлиғи Тўхта Қобилов етиб келиб, синчковлик билан жойни кузата бошлайди. Ниҳоят пичоқ ғилофини топиб, «жиноятчи топилди» деб қўяди. Марҳумларни иззат-икром билан дафн этишда иштирок этар экан, бутун кучини жиноятни очишга сарфлайди. Эртаси жиноятчилар икки киши эканлиги маълум бўлади. Уларнинг шахслари аниқланиб, ҳибсга олинади. Шубҳасиз, бунда бошлиқ Тўхта милиционернинг ўрни катта бўлди. Қишлоқлар ўртасида осойишталик бузилмади.

Шундай қилиб Тўхта Қобиловни билган, таниган ва у билан бирга ишлаган кишилар билан учрашиб суҳбатлашганимизда, барча Тўхта Қобилов ватанпарвар, меҳнаткаш, миллатпарвар инсон дея таърифлашди.

Тўхта Қобилов қисмати, саргузаштлари ҳақида андак воқеалар билан сиз муштарийларни таништирар эканмиз, масаланинг иккинчи томонига эътиборни қаратамиз. Ўлкамизда бундай атоқли шахслар ўша даврда кўп бўлган. Шунинг учун уларнинг хотирасини, шу жумладан, Тўхта Қобиловнинг хотирасини абадийлаштириш вақт-соати етган бўлса ажаб эмас.

Бу масалага Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, у туғилиб ўсган Қўчқор Тўраев номли жамоа хўжалиги ана шу хайрли ишни амалга оширадилар, деб умид билдирамиз.

Шунда қишлоқдошлари, фарзандлари ҳатто неваралари ота қабрини излашларига бир таскин берилиб, марҳум руҳи шод бўлади.

Элмурод ТЎРАҚУЛОВ,
Шомирза ШОНАЗАРОВ,
халқ маорифи аълочилари.

Қаҳ-қаҳ

АЗИЗ НАБИРАМИЗ НИЛУФАРХОН!

Сени туғилган кунинг билан чин қалбимиздан қутлаймиз!

Сенга узоқ умр, ўқишларингда муваффақиятлар тилаймиз.

Оллоҳ ҳамиша йўлингни ёруг, умрингни боқий қилсин. Ота-онанг роҳатингни кўрсин.

Буванг ва бувинг.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 18 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 нисбатан қуйидаги АҚШ долларининг сўмга қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 108 сўм 08 тийин.

Тошкент вилоят педагогика билим юрти томонидан 1987 йили Шаҳноза Ходжимовна УМАРОВА номига берилган КТ № 840455-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Конструктор» жамоа корхонаси «Ўзгўштсутсаноат» давлат акционерлик уюшмаси раиси муовини **Мираъзам Солиҳович МИРСОДИКОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этди.

АДОЛАТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

ХОМИЙ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Ҳалим БОБОЕВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 0521, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди.

● *Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди 20.30.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.